

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХМУДОВ ДИЛМУРОД РАХМАТЖОНОВИЧ

**СИҚИЛГАН МУҲИТ ЎЛЧАМЛАРИНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ПОРТЛАТИШДА ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАССИВИНИ МАЙДАЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Махмудов Дилмурод Рахматжонович

Сиқилган муҳит ўлчамларини бошқариш йўли билан портлатишда тоғ
жинслари массивини майдалаш самарадорлигини ошириш.....3

Махмудов Дилмурод Рахматжонович

Повышение эффективности дробления массива горных пород взрывом
путём управления параметрами зажатой среды.....17

Makhmudov Dilmurod Rakhmatjonovich

Improving the efficiency of rock mass crushing explosion by controlling the
parameters of the clamped medium.....31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....34

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХМУДОВ ДИЛМУРОД РАХМАТЖОНОВИЧ

**СИҚИЛГАН МУҲИТ ЎЛЧАМЛАРИНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ПОРТЛАТИШДА ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАССИВИНИ МАЙДАЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т188 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Умаров Фарходбек Яркулович техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Боровков Юрий Александрович техника фанлари доктори, профессор Мислибаев Илхом Туйчибаевич техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	«Ўзбеккўмир» АЖ

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz.

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-уй.Тел.: 0 (436) 223-56-90; факс: 0 (436) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Қ.С.Санакулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д, профессор

Ш.Ш.Заиров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Ю.Д.Норов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзаблиги ва зарурати. Жаҳонда конлардаги тоғ жинсларини тайёрлашда уларни портлаш энергияси билан майдалаш юқори самарали усулгича қолмоқда. Мазкур усул келажакдаги 20-25 йил давомида ҳам истиқболли бўлиб қолаверади. Бурғулаш ва портлатиш ишлари (БПИ) фойдали қазилмаларни қазиб олишдаги меҳнат ҳажмининг ўртача 10-20% ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда бурғулаш ва портлатиш ишларининг очиқ конларда меҳнат унумдорлигини 1,5-2,0 марта оширишга имкон берадиган янги ишлаб чиқариш талаблари қўйилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда тоғ жинсларини майдалаш сифатини ошириш ва портлаш ишлари ўлчамларини бошқариш муҳим илмий-техник вазифадир.

Бугунги кунда жаҳонда тоғ жинсларини бир текисда майдалаш самарадорлигини ошириш учун портлаш энергиясини бошқариш бўйича муаммолар ҳал қилинмоқда. Бошқариладиган ўлчамлар орқали массивни портлатиш усулларида кон жинсини портлаш босими ва физик-техник асослаш орқали мустаҳкамлик, таранглик ва эзилиш хоссаларини камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурати туғилмоқда. Сиқилган муҳитда портлашни бошқариш мазкур муаммонинг ечимларидан бири бўлиб, бунда хавфсизлик ортади, портлаш вақтида массивни ёнга сурилиш камайиши ҳисобига геологик структураси сақланиб қолинади, қазиб-юклаш ускуналарининг иш унумдорлиги ортади, поғонада тайёрлаш-тиклаш ишларининг ҳажми камаяди, жинсларнинг майдаланиш даражаси яхшиланади, массивга портлаш таъсирининг давомийлиги ортади.

Республикада бурғулаш ва портлатиш ишларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан конларда портлатиш технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, портлатишнинг оқилона параметрларини ва усулларини ишлаб чиқишга эришилмоқда. Шу билан бирга, сиқилган муҳит ўлчамларини бошқариш йўли билан портлатишда тоғ жинслари массивини майдалаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш зарур масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларидан тайёрлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган ва бу борада портлатиш орқали тоғ жинслари массивини майдалаш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707 сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тадбирлар дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тоғ жинсларини портлатиб майдалаш тўғрисидаги фаннинг ривожланиши, конларда портлатиб майдалаш технологияларини такомиллаштириш, сиқилган муҳитда портлашни бажариш ва ундан фойдаланишга Баранов Е.Г., Барон Л.И., Баум Ф.А., Власов О.Е., Демидюк Г.П., Друкованый М.Ф., Ефремов Э.И., Жариков И.Ф., Заиров Ш.Ш., Кусов Н.Ф., Кутузов Б.Н., Кучерявый Ф.И., Комир В.И., Марченко Л.Н., Мельников Н.В., Мосинец В.Н., Насиров У.Ф., Норов Ю.Д., Покровский Г.И., Ржевский В.В., Рубцов С.К., Ракишев Б.Р., Родионов В.Н., Суханов А.Ф., Тарасенко В.П., Ткачук К.Н., Трубецкой К.Н., Ханукаев А.Н., Черниговский А.А., Шеметов П.А., Шемякин Е.И., Atchison T.C., Ahmed R., Bernard T., Brawner C.O., Donzé F.V., Duvall W.I., Maerz N.H., Munjiza A., Pears O.E., Peter B., Potyondy D.O., Rolf S. Paine, Rossmanith H.P., Rustan A., Selberg H.L. каби ва бошқа олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшганлар.

Ҳозирги вақтгача сиқилган муҳитдан фойдаланган ҳолда портлатишнинг уч кўриниши маълум бўлиб, булар очик сиртларнинг сони ва уларнинг жойлашуви, тиргак деворларнинг хусусияти ва алоҳида зарядларни портлатиш изчиллиги билан, яъни: юкланмаган тоғ жинсига портлатиш, кон массасидан тиргак қолдириб, зарядлар гуруҳининг биринчи қаторидан ва тиргак деворга портлатиш билан фарқланади.

Шу билан биргаликда, сиқилган муҳитнинг турли шаклларида таянч деворларнинг рационал ўлчамларини аниқлаш борасида тадқиқотлар, кўп мартали портлаш босими орқали тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилувчанлик хоссаларини ҳамда турли шаклдаги сиқилган муҳит усулини ва рационал ўлчамларини тадқиқ қилиш йўқлигидан келиб чиқувчи ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва Навоий кон-металлургия комбинати Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси илмий-тадқиқот режасининг «Скважина зарядларидаги портловчи модда (ПМ)ларнинг ялпи портлатиб тоғ жинсларини майдалаш усулларини ишлаб чиқиш ва илмий асослари, ҳамда чуқур карьерлар бузилиш зонасида бурғилаш портлатиш ишларини самарали ўлчамларини аниқлаш» (2017-2018

йй.) ва «Карьерларда қазилган муҳитнинг бошқариладиган шакллари ва ўлчамлари орқали тоғ жинсларини майдалаш усулини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сиқилган муҳитнинг бошқариладиган шакллари ва ўлчамлари орқали тоғ жинсларини майдалаш усулини ишлаб чиқиш йўли билан портловчи моддалар скважина зарядларининг портлаш энергиясини бошқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чуқур карьерларда ПМ скважина зарядлари портлаш энергиясини бошқариш муаммосининг замонавий ҳолатини шарҳлаш;

тоғ жинсларининг майдаланиш самарадорлигини назарий тадқиқотлари ва сиқилган муҳитнинг турли шаклларида тиргак деворнинг ўлчамларини аниқлаш бўйича таҳлилий тадқиқот қилиш;

полигон шароитларида кўп мартали портлатиш босими орқали тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилувчанлик хоссаларини тадқиқ қилиш;

сиқилган муҳитнинг бошқариладиган шакллари ва ўлчамлари билан тоғ жинсларини майдалаш усулини ишлаб чиқиш ва саноат синовини ўтказиш;

портлаш билан тоғ жинсларини майдалашда сиқилган муҳитни рационал ўлчамларини ишлаб чиқиш ва саноат синовини ўтказиш;

тоғ жинсларини портлатиб майдалашда ишлаб чиқилган усул ва сиқилган муҳит рационал ўлчамларини техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чуқур карьерлардаги тоғ жинслари массиви ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети турли шакллардаги тиргак деворлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда тажриба, полигон ва саноат шароитларида назарий умумлаштиришни ва тажриба тадқиқотларини, компьютер техникасидан фойдаланиб математик дастурлаш орқали Borland Delphi 7.0 тилида сиқилган муҳитни самарали ўлчамларини ишлаб чиқиш, шунингдек тадқиқот натижаларининг математик статистика ва корреляцион таҳлил услубларини ўз ичига олган тадқиқотларнинг комплекс услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

математик модел ишлаб чиқилган ва эзилиш зонаси радиуси, радиал ёриқликлар ва ёриқ ҳосил бўлиши ПМ заряди радиусига, тўлқинли кучланишларини бўйлама ва энига тарқалиш тезлигига ва тоғ жинсининг зичлиги ва чегаравий мустаҳкамлигига боғлиқлиги аниқланган;

сиқилган муҳитнинг трапецияли, учбурчакли ва сегментли шаклларида тиргак деворнинг рационал ўлчамларини ҳисоблаш формуласи ишлаб чиқилган;

кўп мартали портлаш босими орқали тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилувчанлик хусусиятлари пасайиши комплекс услубияти ишлаб чиқилган ва тоғ жинсларининг майдаланиш мезонлари аниқланган;

портлатилган тоғ жинси ўртача булакларининг ўзгаришини бузмайдиган портлаш босимининг даврийлиги сони ва уларнинг амплитудаси, шунингдек ПМнинг солиштирма сарфига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кон массивини трапеция кўринишидаги сиқилган муҳитга портлатиш усули ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва қазил-юклар ускуналарини унумдорлиги ортган, тоғ жинсининг майдаланиш даражаси ортган, геологик структурасини сақлаб қолиш таъминланган ва портлатилган тоғ жинси ёйилмасини ўлчамларини бошқариш таъминланган;

трапеция шаклидаги сиқилган муҳитнинг рационал ўлчамлари ишлаб чиқилган, бунга кўра тоғ жинслари бўлагининг ўртача ўлчами 29% га камайган, ноўлчам бўлақлар миқдори 22% га камайган, экскаваторлар унумдорлиги 5% га ортган ва ноўлчам бўлақларни майдалашга сарфланадиган харажатлар 22% га камайган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги полигон ва саноат тажрибаларнинг катта ҳажми билан исботланди, яъни сиқилган муҳит ўлчамларини бошқариш йўли билан тоғ жинслари массивини майдалаш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги ишларни асосий ғоясига қониқарли мос келиши, шунингдек карьердаги оммавий портлатишларнинг ижобий натижалари билан тасдиқланди.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кон массивини майдалашда сиқилган муҳитнинг бошқариладиган шакллари ва ўлчамлари орқали скважинали заряд портловчи моддаларининг портлаш энергиясини бошқаришни илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сиқилган муҳит шакли ва ўлчамларини бошқариш йўли билан тоғ жинсини талаб этилган даражада майдалаш усулини ишлаб чиқиб, массивни геологик структурасини сақлаб қолиш, қазил-юклар ускуналарининг унумдорлигини ошириш ва поғонада тайёрлаш-тиклаш ишлар ҳажмини камайтириш билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сиқилган муҳит ўлчамларини бошқариш йўли билан портлатишда тоғ жинслари массивини майдалаш самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

кон массивини трапеция кўринишидаги сиқилган муҳитга портлатиш усули Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси Мурунгов карьерда ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг очик усулда қазиб олиш объектларида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2018 йил 10 апрелдаги 10.02-01-03/4975-сон ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 18 апрелдаги ОУ-04168-сон маълумотномалари). Натижада хавфсизлик ва тоғ жинсларининг майдаланиш даражасини ошириш, тоғ жинси массивини геологик структурасини сақлаш ва чуқур карьерларда тоғ жинси массиви ёйилмасини ўлчамларини бошқариш имконини берган;

ишлаб чиқилган трапеция шаклидаги тиргак деворнинг рационал ўлчамлари Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси Мурунгов карьериди ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг очиқ усулда қазиб олиш объектларида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2018 йил 10 апрелдаги 10.02-01-03/4975-сон ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 18 апрелдаги ОУ-04168-сон маълумотномалари). Натижада тоғ жинслари бўлагининг ўртача ўлчамини 29% га, ноўлчам бўлақлар миқдорини 22% га ва ноўлчам бўлақларни майдалашга сарфланадиган харажатларни 22% га камайтириш ҳамда экскаваторлар унумдорлигини 5% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Карьерларда портлатувчи моддалар скважина зарядларининг портлаш энергиясини бошқариш муаммосининг замонавий ҳолати таҳлили» деб номланган биринчи бобда, конлардаги ПМ скважина зарядларини портлатиш йўли билан тоғ жинсларини майдалашни бошқариш усуллариининг тадқиқотлари, майдаланиш жараёни ва ПМ скважина зарядларини портлатиш йўли билан майдаланган тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини камайтириш ва карьерларда оммавий портлатиш билан ёйилманиннг шаклланиш қонуниятлари ўрганилган.

ПМ скважина зарядларини портлатишнинг классик схемаси бўйича портлашнинг газ маҳсулотлари таъсирида, ҳамда сиқилиш ва чўзилиш тўлқини таъсирида сиқувчи, эзувчи босимлар юз бериши натижасида бошқариладиган майдаланиш зоналари ҳосил бўлиб эзиш зонаси ва ёриқлар

ҳосил бўлиш зонасини ташкил этиши аниқланган. ПМ скважина зарядлари оммавий портлашдан тоғ жинсларининг майдаланиши юз бериб, унинг бўлаклари муайян тезликка эга бўлади. Қисқа секинлаштирилган портлашлар ва турли кўзғатиш схемаларида тоғ жинси бўлакларининг учиш пайтида бири бири билан урилиши натижасида майдаланиши янада яхшироқ бўлади, яъни тоғ жинсини кўп мартали босимга чегараси уни бир мартали босимга мустаҳкамлигидан кам бўлади.

Массивнинг жадал майдаланиш зонаси ортидаги кон массивининг жадал майдаланишини комплекс масалалари кўриб чиқилган бўлиб, айнан табиий ёриқликлар ва таранг эзилишлар зонасида бузилишлар кўриб чиқилган. Жадал майдаланиш ва майдаланган тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини камайиш зоналарини ҳисоблаш формулаларини амалда қўллашнинг деярли иложи йўқ.

Тиргак девор кенглигини оптималлаштириш масалаларига бағишланган ишлар етарли эмаслиги аниқланди. Илмий ишларда сиқилган муҳитнинг турли шаклларидаги тиргак деворнинг рационал ўлчамларини тадқиқ қилиш учрамайди. Илмий адабиётларда кўп мартали портлаш босими остида тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилиш зоналарини тадқиқ қилиш ёритилмаган.

Диссертациянинг «**Тоғ жинси массивини майдаланишининг самарадорлигини назарий тадқиқ қилиш ва сиқилган муҳитнинг турли шаклларидаги тиргак девор ўлчамларини аниқлаш бўйича таҳлилий тадқиқотлар**» деб номланган иккинчи бобида портлаш таъсириинг классик схемаси бўйича тоғ жинслари массивини портлашдан бузилиши физик тасири кўриб чиқилган, тоғ жинслари массивининг портлашдан бузилиш зоналари тадқиқ қилинган ва сиқилган муҳитнинг трапеция, учбурчак ва сегмент кўринишли шаклларида тиргак деворнинг рационал ўлчамларини аниқлаш бўйича таҳлилий тадқиқотлар келтирилган.

ПМ зарядлари портлаганда тоғ жинсларининг эзилиш зонаси катталиги заряд радиусига, саноат ПМ энергетик кўрсаткичларига тўғри пропорционал ва тоғ жинслари бўлакларининг критик учиш тезлигига тескари пропорционал тарзда ўзгаради:

$$r_{\text{раз}} = \frac{r^4 \sqrt{\frac{\gamma_{\text{вв}} Q}{\Delta}}}{0,476 \sqrt{v_{\text{кр}}}}, \text{ м}, \quad (1)$$

бу ерда r – ПМ заряди радиуси, м; $\gamma_{\text{вв}}$ – ПМ ҳажм оғирлиги, кг/м³; Q – вазн бирлиги энергияси, кгм/кг; Δ – табиий ҳолатдаги жинсларнинг ҳажм оғирлиги, кг/м³; $v_{\text{кр}}$ – тоғ жинси бўлакларининг критик учиш тезлиги, м/с.

Радиал ёриқлар зонаси радиусининг ўзгариши массивнинг блоклилиқ даражаси бўйича бўлакларининг диаметрига ва портлатиладиган поғона баландлигига, муайян портлатиш схемаларида тоғ жинсларини майдалашда ПМ энергиясини ҳисобга олувчи коэффициентга, ҳамда ПМ заряди баландлигига ва скважиналарни яқинлашиш коэффициентига боғлиқлиги аниқланди:

$$r_{p.m.} = \sqrt{\frac{pl_{zap}}{mH_y \frac{1}{\alpha d_0} \ln \frac{d_0}{d_i}}}, \text{ м}, \quad (2)$$

бу ерда p – 1 п.м. скважинанинг сифими, м³; l_{zap} – скважинадаги заряд узунлиги, м; m – скважиналарнинг яқинлашиш коэффициенти; H_y – поғона баландлиги, м; α – ПМ аниқ портлатиш схемаларида ПМ энергиясини фойдаланишни ҳисобга олувчи коэффициент м²/кг; d_0 – блокчилик даражаси бўйича бўлақларнинг ўртача диаметри, мм; d_i – портлатилган тоғ жинслари бўлагининг ўртача диаметри, мм.

Ёриқ ҳосил бўлиш зонаси радиуси ПМ заряди радиусига тўғри пропорционал ҳолда боғлиқ, тўлқинларини бўйлама босим тарқалиш тезлигига, тоғ жинсларининг босимга чидамчилик чегарасига ва тўлқинларни энига босим тарқалиш тезлигига ва тоғ жинслари чўзилишга чидамчилик чегарасига тескари пропорционал ҳолда боғлиқдир:

$$r_{mp} = \frac{r_c \cdot C_p}{\sigma_p} \cdot \frac{C_p^2 - 2C_s^2}{3C_p^2 - 4C_s^2} \sqrt{\frac{\gamma \sigma_{сж}}{5}}, \text{ м}, \quad (3)$$

бу ерда r_c – ПМ скважина зарядининг радиуси, м; C_p , C_s – мос равиш бўйлама ва энига тўлқинларни тарқалиш тезлиги, м/с; γ – изоэнтроп кўрсаткичи; $\sigma_{сж}$ – жинсларни сиқилишга чидамчилик чегараси, МПа; σ_p – жинсларнинг чўзилишга чидамчилик чегараси, МПа.

Сиқилган муҳитнинг трапеция, учбурчак ва сегментли кўринишдаги шакллариининг геометрик ўлчамлари таҳлилий тадқиқ қилинди ва тиргак деворнинг рационал ўлчамлари аниқланди (расм).

Қуйидаги формула орқали ҳақиқий энг қиска қаршилик масофаси (ЭҚҚМ) аниқланади:

– трапеция ва учбурчак кўринишли шаклларида

$$W_f = \left(x + \frac{3aH + 2(k+1)ctg\varphi}{3} H \right) \sin\varphi, \text{ м}, \quad (4)$$

– сегментли шаклда

$$W_f = R - \sqrt{(\sqrt{R^2 - (R \cos\varphi + H)^2} - aH)^2 + (R \cos\varphi + \frac{1-2k}{3} H)^2}, \text{ м}, \quad (5)$$

бу ерда x – юқори юзаси бўйича тиргак деворнинг кенлиги, м; aH – поғона четидан скважина марказигача бўлган хавфсиз масофа, м; φ – трапеция кўринишидаги тиргак деворнинг нишаблик бурчаги, град.; k – скважинани ортиқча бурғулашни ҳисобга олувчи коэффициент; R – сегмент радиуси, м; H – поғона баландлиги, м.

Тиргак деворнинг бирлик ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

– трапеция кўринишли шаклда

$$V = \frac{2 \cdot x + H(ctg\varphi - ctg\gamma)}{2} H, \text{ м}^3, \quad (6)$$

– учбурчакли шаклда


$$V = \frac{H^2(ctg\varphi - ctg\gamma)}{2}, \text{ м}^3, \quad (7)$$

– сегментли шаклда

$$V = \frac{1}{2} \left(R \sin \varphi - H \operatorname{ctg} \gamma - \sqrt{R^2 - (R \cos \varphi + H)^2} + R^2 (\alpha - \sin \alpha) \right) \cdot H, \text{ м}^3, \quad (8)$$

бу ерда H – поғона баландлиги, м; γ – поғона нишаблик бурчаги, град.

Шундай қилиб, ҳақиқий ЭҚҚМ ва тоғ жинси ёйилмаси ҳажми сиқилган муҳитнинг трапеция, уч бурчак ва сегмент кўринишли шакллари учун аниқланди.



Расм. Сиқилган муҳитнинг трапеция (а), учбурчак (б) ва сегмент (в) кўринишидаги шаклларида тиргак деворнинг рационал ўлчамларини аниқлаш схемалари

Тадқиқотлар ёрдамида сиқилган муҳитнинг трапеция, уч бурчак ва сегмент кўринишли шаклларида тиргак деворнинг бирлик ҳажми поғона баландлигига, сиқилган муҳитнинг нишаблик бурчагига, поғона нишаблик бурчагига, тиргак деворнинг юқори юза кенглиги ва ҳақиқий ЭҚҚМга боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди.

Поғона баландлиги ва бурчаги, юқори юзаси бўйича тиргак девор кенглиги, шунингдек ҳақиқий энг қисқа қаршилик масофаси ортиши билан

сиқилган муҳитнинг трапеция, учбурчак ва сегмент кўринишидаги шаклларидаги тиргак деворининг бирлик ҳажми ортади, тиргак деворнинг нишаблик бурчаги ортиши билан эса сиқилган муҳитнинг трапеция, учбурчак ва сегмент кўринишидаги шаклларида ҳажми камаяди.

Диссертациянинг «**Полигон шароитида кўп мартали портлаш босими орқали тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилиш хоссалари камайишини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотнинг комплекс услубияти ишлаб чиқилган бўлиб, шунинг асосида тоғ жинсларининг майдаланиш мезонлари белгиланди.

Кўмирлашган слюда ва кварцлашган слюда жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилиш хоссаларини аниқлаш бўйича полигон тажрибалари ўтказилди. Тоғ жинслари СНиП-82 шкаласи бўйича мустаҳкамликнинг VIII, IX, X ва XI туркумларига мансуб.

Тадқиқотларнинг биринчи кетма кетлигида тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини камайиши, иккинчи кетма кетлигида эса бирдан портлайдиган электрдетонаторлар портлашидан юзага келадиган кўп мартали динамик босим таъсирида тоғ жинслари цилиндрик намуналарининг майдаланиш сифатига боғлиқлиги аниқланди. Ҳаммаси бўлиб тоғ жинсларининг 4 гуруҳи 5 тадан цилиндрик намуналари ажратиб олинди, буларда электрдетонаторларни портлатиш орқали 1-, 2-, 3-, 4- ва 5-мартали портлаш босими ҳосил қилинди.

Ҳар бир портлашдан сўнг тоғ жинсларининг мустаҳкамлик даражасини тасдиқлаш учун, бўйлама ва энига тўлқинлар ўтиш тезлигини аниқлашдан ташқари нисбий ва энига эзилиш хусусиятлари аниқланди. Ҳисоблаш йўли билан таранглик модули ва Пуассон коэффициенти аниқланди. Тоғ жинсларига босим бериш гидравлик пресс ёрдамида амалга оширилди.

Олдиндан босим берилган тоғ жинси намуналарида максимал бўйлама ва энига эзилиш кўп мартали портлаш босими ва босим катталигига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди. Бўйлама ва энига эзилишлар катталиги индикаторлар билан ўлчанди.

Тажрибаларнинг учинчи кетма кетлигида бузмайдиган портлаш босимлар сони ва ПМнинг нисбий солиштирма сарфига боғлиқ ҳолда портлатилган тоғ жинслари бўлақларининг ўртача диаметри ўзгариши аниқланди.

Полигон тажрибалари натижасида тоғ жинсларининг эзилиш ва чўзилишга нисбий мустаҳкамлиги пароболик боғлиқ ҳолда ўзгариши, ҳамда кундаланг ва бўйлама тўлқинларнинг нисбий тезлиги турли тоғ жинсларида портлаш босимлар сонига боғлиқлиги аниқланди.

Бузмайдиган портлаш босими натижасида хатто даврийликларнинг кичик сонларида ҳам электрдетонатор портлаши билан ҳосил қилинадиган кўп мартали портлаш босим таъсири остида катта ва кичик ёриқлар пайдо бўлиши ҳисобига тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилиш хоссалари пасайиши тажриба йўли билан аниқланди. Кўп мартали портлаш таъсирида тоғ жинсларининг турғун мустаҳкамлиги сиқилишга 28-45% га,

чўзилишга мустаҳкамлиги 38-60% га камайиши тажриба йўли билан аниқланди.

Бузмайдиган портлаш босимлар сони ва ПМ солиштирма сарфига боғлиқ ҳолда портлатилган тоғ жинслари бўлагининг ўртача ўлчами аниқланди. Тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглик ва эзилиш хоссаларининг камайиш ҳодисаси портлатиш йўли билан тоғ жинсларининг майдаланишига ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Бошқариладиган сиқилган муҳит ўлчамлари орқали тоғ жинси массивини портлатиб майдалаш усулини ишлаб чиқиш ва саноатда синовдан ўтказиш**» деб номланган тўртинчи бобида трапеция кўринишидаги сиқилган муҳитда тоғ жинслари массивини портлатишнинг саноат усули ишлаб чиқилган бўлиб, бунда хавфсизликни ортиши, қазиш-юклаш ускуналарининг унумдорлигини ортиши, портлашлар сонини камайиши, поғонада тайёрлаш-тиклаш ишларининг камайиши, тоғ жинсларининг майдаланиш даражасини ортиши, массивни геологик структурасини сақлаб қолишни таъминлаш ва портлатилган ёйилмани ўлчамларини бошқаришни таъминлашга имкон яратилади.

Қисқа секинлаштирилган портлашдан фойдаланган ҳолда сиқилган муҳитда портлатиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, уни мустаҳкамлиги ва ёриқчилиги турлича бўлган тоғ жинсларида қўллаш мумкин. Ушбу усулга асосан карьерда БПИ паспортига мувофиқ портловчи скважиналарнинг тўртдан кам бўлмаган қатори портлатилади. Олдин портлатилган тоғ жинсларидан қазиш-юклаш ускунаси ёрдамида трапеция кўриниши шаклидаги тиргак девор барпо этилади. М.М.Протодьяконов шкаласи бўйича мустаҳкамлиги $f=8\div 14$ коэффициентига эга ўта ёриқ тоғ жинсларида бўйига ва энига қовланган ўйиқлардан фойдаланган ҳолдаги қаторли схемадан, қаттиқ ўрта блокли жинслар учун диоганал ва радиал схемалардан фойдаланиш тавсия этилади. Зарядлар сериялари ўртасидаги секинлаштириш оралиғи 35-75 мс қабул қилинади.

Математик моделлаштириш усули билан сиқилган муҳитнинг рационал ўлчамларини ишлаб чиқишда ёйилма шаклланишининг умумий масалалари кўриб чиқилди. ПМ скважина заряди ўлчамларига, уни геометрик жойлашишига ва тоғ жинсларининг физик-механик хусусиятларига боғлиқ ҳолда, тоғ жинси массиви қисмларининг бошланғич тезликлари майдони аниқланди.

Трапеция кўриниши шаклидаги тиргак деворнинг рационал баландлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$h_{n.c.} > \frac{\sqrt{\left(W \operatorname{tg} \frac{\varphi}{2}\right)^2 + 4\left(\frac{1}{\sin \varphi} + \operatorname{tg} \frac{\varphi}{2}\right)V} - \left(W \operatorname{tg} \frac{\varphi}{2}\right)}{\frac{1}{\sin \varphi} + \operatorname{tg} \frac{\varphi}{2}}, \text{ м}, \quad (9)$$

бу ерда W – энг қисқа қаршилик масофаси, м; φ – трапеция кўриниши шаклидаги тиргак девор нишаблиги бурчаги, град.; V – тиргак деворнинг бирлик ҳажми, м³.

Трапеция кўриниши шаклидаги тиргак девор кенглиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$L_c = x + H(ctg\varphi - ctg\alpha), \text{ м}, \quad (10)$$

бу ерда x – трапеция кўриниши шаклидаги тиргак деворнинг юқори юза кенглиги, м; H – поғона баландлиги, м.; α – поғона нишаблик бурчаги, град.

Трапеция кўриниши шаклидаги тиргак девор нишаблик бурчаги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\sin\varphi = \frac{W_f}{x + \frac{3a + 2ctg\varphi}{3}H}, \text{ град.}, \quad (11)$$

бу ерда W_f – амалдаги энг қисқа қаршилиқ масофаси, м; x – юқори юза бўйича тиргак девор кенглиги, м; a – скважина четки қатори марказидан поғона юқори қошигача бўлган масофа, м.

Ишлаб чиқилган усул ва трапеция кўриниши шаклидаги тиргак деворнинг рационал ўлчамлари Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси Мурунгов карьери ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг очик усулда казиб олиш объектларида жорий қилинган.

Трапеция кўриниши шаклидаги тиргак девор портлатилганда портлаган тоғ жинси бўлагининг ўртача ҳажми 29% га, ноўлчам бўлақлар сони эса 22% га камайди. Майдалаш даражасини ортиши экскаваторлар унумдорлигини 5% га ортишига ва ноўлчам бўлақларни майдалашга сарфларни 22% га камайтиришга имкон берди.

Экскаваторларнинг унумдорлигини ошириш ва майдалаш ускунасида иккиламчи майдалашни камайтириш ҳисобига амалдаги иқтисодий самара 1 м³ тоғ жинсига 459,34 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

Диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Портлаш таъсирининг классик схемаси ва кинетик назария қоидаларини ўрганиш асосида математик модел ишлаб чиқилган бўлиб унинг қиймати заряд радиусига, саноат ПМ энергетик кўрсаткичларига тўғри пропорционал ва тоғ жинслари бўлақлари учиши критик тезлигига тесқари пропорционал бўлган эзилиш зонасини аниқлашга имкон беради. Тоғ жинслари массивини портлатиб бузишда эзилиш зонасининг радиуси ПМ заряди радиусига, босим бўйлама тўлқинларининг тарқалиш тезлигига, портлатилаётган жинслар зичлигига тўғри пропорционал ва тоғ жинсларининг сиқилишга мустақкамлик чегарасига тесқари пропорционал боғлиқлигини аниқлаш тавсия қилинган.

2. Тоғ жинсларини портлаш билан майдалашда радиал ёриқлар зонасини аниқлашга имкон берувчи математик модел ишлаб чиқилган бўлиб, унинг қийматини ўзгариши тоғ жинси массивининг ёриқлиги, физик-механик ва кон-технологик хусусиятларига, ПМ энергиясини босим тўлқинига ва массивга таъсир вақтига боғлиқ ҳолда ўзгаришини аниқлаш тавсия қилинган.

3. Тадқиқотлар йўли билан ёриқ ҳосил бўлиш зонаси радиуси ПМ заряди радиусига, босим бўйлама тўлқинларининг тарқалиш тезлигига, тоғ жинсларининг босимга чидамлилиқ чегарасига тўғри пропорционал ва босимнинг энига йўналишлари тарқалиш тезлигига ҳамда тоғ жинсларининг чўзилишга чидамлилиқ чегарасига тескари пропорционал ҳолда боғлиқлигини аниқлаш таклиф қилинган.

4. Таҳлилий тадқиқотлар билан сиқилган муҳитнинг трапеция, учбурчак ва сегмент кўринишли шаклларида тиргак деворнинг рационал ўлчамларини ҳисоблаш формулалари аниқланди ва ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар йўли билан сиқилган муҳитнинг трапеция, учбурчак ва сегмент кўринишли шаклларида тиргак деворнинг бирлик ҳажмининг поғона баландлигига, поғона нишаблиқ бурчагига, юқори юза бўйича тиргак деворнинг кенглигига, амалдаги ЭҚҚМга ва тиргак деворнинг нишаблиқ бурчагига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқлаш таклиф қилинган.

5. Кўп мартали портлаш босими орқали тоғ жинсларининг мустаҳкамлик, таранглиқ ва эзилиш хоссалари камайишини тадқиқ қилишнинг комплекс услубияти ишлаб чиқилди, шулар асосида майда ёриқлар умумий ҳажмидан йирик ёриқлар пайдо бўлмасдан уларнинг бошланғич босқичида тоғ жинсларини майдаланиш мезонлари аниқланган.

6. Тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини камайиши кўп мартали босим таъсири остида кичик ва катта ёриқлар пайдо бўлиши билан тавсифланади. Кўп марта такрорланадиган портлаш босими натижасида тоғ жинсларининг мустаҳкамлик чегараси эзилишга чидамлилиги 28-45%га, чўзилишга чидамлилиги 38-60% га камайиши билан изоҳланади.

7. Тоғ жинсларининг портлатилган бўлаги ўртача ҳажми ўзгаришининг бузилмайдиган портлаш босими ва уларнинг амплитудаси, шунингдек ПМ солиштирма сарфига параболик боғлиқлиги аниқланди. Тадқиқотлар йўли билан тоғ жинсларини портлатиб майдалашда унинг мустаҳкамлик, таранглиқ ва эзилиш хоссалари камайишига ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

8. Трапеция кўринишига эга сиқилган муҳитли тоғ жинслари массивини портлатиш натижасида хавфсизликни ортиши, тоғ жинсларининг майдаланиш даражасини ортишига, тоғ жинси массивини геологик структурасини сақлаб қолиш таъминланиши ва чуқур карьерларда тоғ жинси массиви ёйилмасини ўлчамларини бошқаришга имкон берувчи усул ишлаб чиқилди ва саноатда қўллаш тавсия этилди.

9. Ўтказилган таҳлилий тадқиқотлар асосида ПМ скважина зарядларини портлатиш йўли билан тоғ жинсларини майдалашда трапеция кўринишли сиқилган муҳитнинг рационал ўлчамлари ишлаб чиқилди. ПМ скважина заряди ўлчамлари, уни жойлаштириш геометрияси ва тоғ жинсларининг физик-механик параметрларини ҳисобга олган ҳолда тоғ жинси массивининг бошланғич тезликлари майдонини аниқлаш тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.06.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОИЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ им. ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ им. ИСЛАМА КАРИМОВА**

МАХМУДОВ ДИЛМУРОД РАХМАТЖОНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДРОБЛЕНИЯ МАССИВА
ГОРНЫХ ПОРОД ВЗРЫВОМ ПУТЁМ УПРАВЛЕНИЯ
ПАРАМЕТРАМИ ЗАЖАТОЙ СРЕДЫ**

04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.PhD/T188.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Умаров Фарходбек Яркулович**
доктор технических наук

Официальные оппоненты: **Боровков Юрий Александрович**
доктор технических наук, профессор

Мислибаев Илхом Туйчибаевич
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **АО «Узбекуголь»**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в «__» часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.06.01. Адрес: 210100, г. Навои, ул. Жанубий, 27. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №__). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Жанубий, 27. Тел.: 0 (436) 223-56-90; факс: 0 (436) 223-00-55.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2018 года).

К.С.Санакулов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.Ш.Заиров

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Ю.Д.Норов

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире при подготовке горных пород к выемке на карьерах высокоэффективным способом остается их дробление энергией взрыва. Данный способ останется доминирующим и на перспективу 20-25 лет. Буровзрывные работы (БВР) составляют в среднем 10-20% от трудоемкости добычи полезных ископаемых. В настоящее время к качеству БВР предъявляются новые производственные требования, позволяющие повысить производительность труда на открытых разработках в 1,5-2,0 раза. В связи с этим регулирование качества дробления горных пород и управление параметрами взрыва является важной научно-технической задачей.

На сегодняшний день во всем мире для повышения эффективности и обеспечения равномерности дробления горных пород решаются проблемы по управлению энергией взрыва. Возникает необходимость в выполнении научных исследований по снижению прочностных, упругих и деформационных свойств горных пород при взрывных нагрузках и физико-техническому обоснованию способов дробления массива взрывом с регулируемыми параметрами. Одним из решений данной проблемы является управление взрывом в зажатой среде, при котором повышается безопасность, сохраняется геологическая структура массива за счет уменьшения бокового смещения в период разрушения, увеличивается производительность выемочно-погрузочного оборудования, снижается объем подготовительно-восстановительных работ на уступе, улучшается степень дробления пород и увеличивается продолжительность действия взрыва на массив.

В республике особое внимание уделяется развитию буровзрывных работ. В этом направлении достигнуты значительные успехи, в частности, повышена эффективность использования взрывных технологий на карьерах, разработаны способы и рациональные параметры взрывания. Вместе с тем повышение эффективности дробления массива горных пород взрывом путём управления параметрами зажатой среды является первоочередной задачей. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены задачи для выполнения программ по стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения инновационных достижений в практику и в этом аспекте повышение эффективности дробления массива горных пород взрывом представляет особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4707 от 4 марта 2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 гг.» и №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Значительный вклад в развитие науки о взрывном разрушении горных пород, совершенствовании технологии взрывной отбойки на карьерах, создании и использовании взрывания в зажатой среде внесли ученые Баранов Е.Г., Барон Л.И., Баум Ф.А., Власов О.Е., Демидюк Г.П., Друкованый М.Ф., Ефремов Э.И., Жариков И.Ф., Заиров Ш.Ш., Кусов Н.Ф., Кутузов Б.Н., Кучерявый Ф.И., Комир В.И., Марченко Л.Н., Мельников Н.В., Мосинец В.Н., Насиров У.Ф., Норов Ю.Д., Покровский Г.И., Ржевский В.В., Рубцов С.К., Ракишев Б.Р., Родионов В.Н., Суханов А.Ф., Тарасенко В.П., Ткачук К.Н., Трубецкой К.Н., Ханукаев А.Н., Черниговский А.А., Шеметов П.А., Шемякин Е.И., Atchison T.C., Ahmed R., Bernard T., Brawner C.O., Donzé F.V., Duvall W.I., Maerz N.H., Munjiza A., Pears O.E., Peter B., Potyondy D.O., Rolf S. Paine, Rossmanith H.P., Rustan A., Selberg H.L. и др.

